Insonga naf keltirish — oliy baxt

Ishonch

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2008-yil 30-avgust
№ 106-107 (2520)
shanba

Маънавий дунёси юксак, теран билимли одам ҳаёт йўлларида ўзини йўқотмайди, оқни қорадан, яхшини ёмондан ажрата олади, ўзгаларнинг таъсирига берилмайди

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давлатимизнинг мудофаа салоҳиятини янада юксалтириш, сарҳадларимиз дахлсизлигини ва миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»

Тоштемиров Бахриддин Зиядуллаевич - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳарбий госпиталининг бўлинма бошлиғи

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист»

Мирбабаев Бахтияр Шамсутдинович - Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари

Мамлакат Қуролли кучларининг жанговар ва сиёсий тайёргарлигини ошириш, халқимизнинг осойишталигини муҳофаза этишдаги катта хизматлари ҳамда миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, юртимизда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик намунасини кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

Ибрагимов Илхом Исмоилович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Раисининг ўринбосари – Чегара қўшинлари қўмондони

«Меҳнат шуҳрати» ордени билан

Джалалов Сабит Джамолович - Тошкент шаҳар Учтепа тумани ички ишлар бошқармасининг профилактика катта инспектори

Йўлдошев Зиёдулло Хабибуллаевич - Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси

Колмиков Петр Алексеевич - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Экспертиза ва криминалистика марказининг бош эксперти

Мусаев Дамир Мирабидович - Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти кафедрасининг доценти

Ҳасанов Тохир - Самарқанд вилояти Самарқанд тумани ички ишлар бўлимининг профилактика катта инспектори

(Давоми 2-бетда)

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТЛАР РЎЁБИ

Президентимиз Ислом Каримов 29 август куни пойтахтимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди

Мамлакатимизда янги саноат корхоналари, маданият ва спорт иншоотлари, таълим масканлари, савдо марказлари, шифохоналар, турaржойлар, йўллар ва кўприклар барпо этиш, мавжудларини замон талаблари даражасида тубдан реконструкция қилиш ишлари изчил давом этмоқда. Бундай иншоотларни энг улуғ, энг азиз айём — Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириш анъанага айланган. Ана шу анъанага мувофиқ Истиқлолимизнинг 17 йиллик байрами арафасида юртимизнинг барча вилоятларида, жумладан, пойтахтимизда бир нечта янги иншоотлар фойдаланишга топширилди.

Президентимиз Ислом Каримов 29 август куни уларнинг айримлари билан танишди.

Ватанимизнинг куч-қудрати, иқтисодий ва маънавий салоҳияти, жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузининг нечоғли юқори бўлиши кўп жиҳатдан замонавий билим ва малакага эга кадрларга боғлиқ. Шу боис ўсиб келаётган навқирон авлодни маънавий юксак, янгича билим ва тафаккур соҳиблари этиб тарбиялаш масаласи давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган қонунлар, миллий дастурлар ўғил-қизларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган, баркамол инсонлар этиб вояга етказишга қаратилгандир.



Жаҳонда таълим тизимининг «ўзбек модели» сифатида эътироф этилган ушбу ислоҳотлар миллий ва энг илғор умумбашарий маърифий анъаналарни ўзида мужассам этгани, таълим ва тарбиянинг ўзаро ҳамоҳанглиги, тизимдаги барча бўғинларнинг бир-бири билан узвий боғлангани, узлуксизлиги ва босқичма-босқичлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Буни юртимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнига халқаро миқёсда эътибор ва қизиқиш тобора ортиб, дунёдаги етакчи таълим масканларининг соҳага оид ҳамкорлик кўлами кенгайиб бораётганида ҳам яққол кўриш мумкин. Пойтахтимизда Тошкент Халқаро Вестминстер университети, Г.Плеханов номидаги Москва иқтисодиёт академияси, И.Губкин номидаги Россия Давлат нефт ва газ университети, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг филиаллари фаолият кўрсатаётгани бунинг ёрқин далилидир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йил январ ойида Сингапур Республикасига давлат ташрифи чоғида иқтисодий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид ҳужжатлар имзоланган эди. Бунинг амалдаги натижаси ўлароқ, давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 5 сентябрда қабул қилинган «Тошкент шаҳрида Сингапур менежментни ривожлантириш институти фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарорига биноан олий таълим масканлари сони яна биттага кўпайди.

Президентимиз янги ўқув йилига шай ҳолга келтирилган Сингапур менежментни ривожлантириш институти билан танишди.

Ушбу олий таълим масканида банк иши, бизнесни бошқариш, молия ва туризм, бизнесда замонавий ахборот технологиялари йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрланади. Институтнинг замонавий компьютер техникаси билан жиҳозланган ресурс маркази ҳам ўқув, ҳам электрон кутубхона вазифаларини мужассам этган. Айни пайтда бир юз йигирма минг китоб заҳирасига эга кутубхона, бир вақтнинг ўзида ўн етти аудиторияда машғулотларни трансляция қилувчи мультимедиа студияси, шинам ўқув, компьютер хоналари, аудиториялар, илмий-маърифий тадбирлар учун мўлжалланган зал ҳам халқаро талаблар даражасида бунёд этилган ва жиҳозланган.

Давлатимиз раҳбари институтда талабалар учун яратилган шароитбилан танишар экан, мазкур таълим даргоҳидаги ўқув жараёни, аввало, миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан ташкил этилмоғи зарурлигини алоҳида таъкидлади.

— Ушбу институтни тугатган йигит-қизлар нафақат мамлакатимиз, балки халқаро талаблар ва андозаларга ҳам тўла жавоб бера оладиган етук мутахассислар бўлмоғи лозим, — деди Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари институт талабалар уйида ёшларнинг олган билимини мустаҳкамлаши, бўш вақтини мароқли ва мазмунли ўтказиши учун қулай шароит ва имкониятлар яратиш муҳимлигига эътиборни қаратди.

Институт ҳудудида барпо этилган спорт мажмуаси очиқ ва ёпиқ залларни, минифутбол, баскетбол ва волейбол майдончалари, югуриш йўлаклари, сузиш ҳавзаси, тўрт юз ўн ўринли спорт залини ўз ичига олган. Буларнинг бари ёшларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишига қаратилган.

Президентимиз Ислом Каримов пойтахтимизда бунёд этилган Ёшлар ижод саройи билан танишди.

Юртбошимиз ташаббуси билан қабул қилинган «Ёшлар йили» Давлат дастурида мусиқа, рассомлик, адабиёт, санъат ва маданият соҳаларида ёшларнинг ижодий қобилиятини аниқлаш ҳамда ривожлантириш, мазкур масалалар билан шуғулланаётган жамоат ва нодавлат ташкилотларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда давлат ташкилотлари билан биргa «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Сен ёлғиз эмассан», «Меҳр нури», Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази каби нодавлат ташкилотлар ҳам фаол иштирок этаётир.

Ўзининг кўрку салобати билан пойтахтимиз ҳуснига ҳусн бағишлаган мазкур сарой ўзининг меъморий ечими, имкониятлари жиҳатидан ноёбдир.

Шу кунларда Ёшлар ижод саройида «Навқирон Ўзбекистон» республика анъанавий ва замонавий санъат кўргазмаси давом этмоқда. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазмада икки юз нафардан зиёд ижодкорнинг турли мавзудаги асарлари намойиш этилмоқда.

— Истеъдод — қудратли куч, — деди Президентимиз. — Юртимизда истеъдодли ёшлар жуда кўп. Ана шу ёшларимизнинг истеъдод ва иқтидорини рўёбга чиқариш учун барпо этилган ушбу саройда мунтазам равишда кўргазмалар, фестивал, танлов ва бошқа тадбирлар ўтказиб туриш керак. Улар ёшларимизнинг ғайратига ғайрат, истеъдодига истеъдод қўшиши шубҳасиз.

Давлатимиз раҳбари «Навқирон Ўзбекистон» республика анъанавий ва замонавий санъат кўргазмаси билан танишар экан, уларни муайян мавзулар бўйича ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлишини таъкидлади.



— Боғча ёшидаги болаларнинг, мактаб ва коллежлар ўқувчиларининг, олий ўқув юртлари талабаларининг асарларини алоҳида-алоҳида намойиш этиш, кўргазма жараёнида муаллифлар билан учрашувлар, суҳбатлар ташкил этиш янада юксак самаралар беради, — деди Ислом Каримов. — Бунда чекка туманларда, айниқса, қишлоқларда яшаётган ёшларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Президентимиз Тошкент ислом университетининг янги биносини ҳам кўздан кечирди.

Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил қилинган ушбу университетнинг асосий вазифаси дунёвий ва диний билимларни, чет тилларни чуқур ўзлаштирган юқори малакали мутахассислар тайёрлашдан иборат. Улар буюк аждодларимизнинг бой илмий ва маънавий меросини чуқур ўрганиб, халқимизнинг диний ва маънавий қадриятларини демократик жамият қадриятлари билан уйғунлаштиришга, шу орқали мамлакатимизни янада ривожлантиришга хизмат қилишлари даркор.

Университетнинг янги биноси бунёд этилгач, унинг ахборот-ресурс марказида, айниқса, катта ўзгаришлар рўй берди. Унда 4000 номдаги дарслик, қўлланма ва адабиётлар жамланган. Компьютер воситасида нодир қўлёзмалар билан танишиш ва ишлаш мумкин. Янги бинода аудиториялар, энг замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган хоналар, ошхона мавжуд.

Ислом Каримов университет профессор-ўқитувчилари билан мулоқот чоғида ўқитиш жараёнида талабаларнинг маънавий дунёсини бойитиш, дунёқараш ва тафаккурини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади.

— Маънавий дунёси юксак, теран билимли одам ҳаёт йўлларида ўзини йўқотмайди, оқни қорадан, яхшини ёмондан ажрата олади, ўзгаларнинг таъсирига берилмайди, — деди Ислом Каримов. — Маънавий қашшоқ инсоннинг жаҳолат комига тушиши осон. Биз жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, неча минг йиллик қадриятларимизни тиклаш, аждодларимиз меросини ўрганиш мақсадида шундай таълим масканларини очганмиз.

(Давоми 2-бетда)

ДУНЁ ШАҲАРЛАРИ ИЧРА ТАНҲО ШОШ

Тошкент деганда кўз олдимизда осмонўпар бинолар, гўзал хиёбонлар, кенг ва равон кўчалар, қолаверса, чеҳрасида нур балқиб турган одамлар гавдаланади. Бунда гўзаллик, орасталик, меҳр-оқибат, одамийлик, меҳмондўстлик — барча-барчаси мужассам. Бир сўз билан айтганда, Тошкент — ватанимизнинг юраги, халқимизга хос ғайрат-шижоат ва яратувчанлик тимсоли.

Шаҳри азим қиёфаси замонавийлик ва миллийлик уйғунлашиб кетганлиги билан эътиборни тортади. Бир томонда маҳобатли иморатлар, сон-саноқсиз маданият гўшалари, бир томонда ўзбекона ҳаёт тарзидан сўзлагувчи чойхона-ю масжидлар, кўҳна обидалар Тошкент манзарасини тўлдиради. Қоқ марказда жойлашган Мустақиллик майдони нафақат пойтахтнинг, балки юртимизнинг юзи, юртдошларимизнинг орзу-ниятлари акс этган бош майдонимиздир. Ундаги Мустақиллик ва эзгулик монументи қаршисида бир зум тек қотиб, ўйга чўмган отахон эътиборимизни тортади. Аста ҳол-аҳвол сўраймиз.

(Давоми 3-бетда)

ШҲТНИНГ НАВБАТДАГИ САММИТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27-28 август кунлари Тожикистон Республикаси пойтахти Душанбе шаҳрида бўлиб, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида қатнашди.

Душанбе аэропортида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовни Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон кутиб олди.

Саммит ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги мажлиси билан бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этдилар.

Президентлар ШҲТ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболларини муҳокама қилдилар. Сиёсий соҳадаги алоқалар, савдо-иқтисодий муносабатлар, маданий ва гуманитар ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди. Президентлар минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар. Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси кузатувчи мақомидаги давлатлар вакиллари – Эрон Президенти Маҳмуд Аҳмадинежад, Мўғулистон ташқи ишлар вазири О.Санжасурэн, Ҳиндистон нефт-газ ресурслари вазири М.Деора, Покистон Бош вазирининг федерал вазир мақомидаги маслаҳатчиси М.Дурани ҳамда саммит меҳмони – Афғонистон Президенти Ҳамид Карзай иштирокида кенгайтирилган тартибда давом этди.

Томонлар ШҲТда кузатувчи мақомига эга мамлакатларнинг ташкилот фаолиятидаги иштирокини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Ташкилот тақомиллаша борган сари унинг сафидан жой олиш ниятини билдирган давлатлар сони ҳам орта борди. Бу эса ШҲТнинг интеграция маконини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Ф А Р М О Н И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН ЕТТИ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда)

II даражали «Шон-шараф» ордени билан

Арипов Хурсан Хайруллаевич - Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармасининг бўлинма бошлиғи

Ачилов Анвар Шавкатович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Бегматов Икрам Имамович - Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Божхона комплекслари ва постларини инспекциядан ўтказиш бошқармасининг "Айритом" божхона комплексидаги вакили

Файзиев Жамшид Ботирович - Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бошқарма бошлиғи

Шарапов Атажан Маматханович - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тошкент олий ҳарбий техника билим юртининг кафедра бошлиғи

Эргашев Собир Ортикович - Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ички ишлар бошқармасининг катта тезкор вакили

«Дўстлик» ордени билан

Кувшинова Лариса Михайловна - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бўлим бошлиғи

Мардиева Тулкуной Касимовна - Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси

Стекольников Анатолий Михайлович - Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар академияси илмий-тадқиқот бўлимининг катта илмий ходими

Туляганов Абдухалил Абдужалилович - Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факультети бошлиғининг ўринбосари

Фролов Владимир Николаевич - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Якубова Зульфия Исмайловна - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Тергов бош бошқармаси терговчиси

«Жасорат» медали билан

Акрамов Журабек Мамасолиевич - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ командири

Аллаев Баходир Кахрамонович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Анарбоев Нумон Махамаджонович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари секциясининг ҳайдовчиси

Атаханов Хамза Атаханович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Атаханов Муродходжа Алиевич - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг взвод командири

Ахмедов Ойбек Асилджанович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ашуров Алижон Ганиевич - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Бобоқулов Эркин Бўриевич - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жазони ижро этиш бош бошқармасининг бўлим бошлиғи

Вильдгрубе Константин Константинович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Дусимов Гулимбай Шомуротович - Хоразм вилояти ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальонининг гуруҳ командири

Жўраев Жахонгир Турғунович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ибрагимов Салим Исакович - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги портловчи моддалар ва портлатиш ускуналарини аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш гуруҳининг бош мутахассиси

Имонов Журабой Жумаевич - Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасининг бўлим прокурори

Искандаров Умид Чориевич - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод командири

Исмаилов Санжар Пулатович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Каримов Лазизжон Бахтиёрович - Навоий вилояти Ички ишлар бошқармасининг инспектор-кинологи

Кодиров Сардорбек Тохиржонович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги отрядининг катта техниги

Коленко Евгений Вячеславович - Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси

Қўзиев Умаржон Бекмуродович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Қулназаров Бахтиёр Мухаммадович (марҳум) - Навоий шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмининг ёнғин ўчирувчиси

Курбанов Абдурауф Жанизақович - Жиззах вилояти Бахмал тумани ички ишлар бўлимининг профилактика инспектори

Маматов Абдимумин Рахмонкулович - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги портловчи моддалар ва портлатиш ускуналарини аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш гуруҳининг бош мутахассиси

Отаев Акбархон Муродович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взвод командирининг моддий таъминот бўйича ёрдамчиси

Пирматов Икромжон Ильхомович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Рахимов Шермат Тўлқинович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳининг командири

Сайдалиев Эльдар Анубарович - Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлимининг тезкор вакили

Салихов Игорь Вячеславович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Сейтимов Камилжан Караматдинович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ташматов Гайратжон Гафурович (марҳум) - Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасининг катта тезкор вакили

Туйчиев Пардабой Эргашевич - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взвод командирининг моддий таъминот бўйича ёрдамчиси

Турдимуратов Қанжарбай Балтабаевич - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взвод секциясининг командири

Усманов Элёр Очилович (марҳум) - Тошкент шаҳар Сирғали тумани ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги қўриқлаш бўлимининг милиционери

Филипенко Сергей Алексеевич - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги портловчи моддалар ва портлатиш ускуналарини аниқлаш, зарарсизлантириш ва йўқ қилиш гуруҳининг командири

Хамидов Хамро Меликович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари секциясининг командири

Хамракулов Сабит Салижанович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги округи бошқарув аппарати муҳандислик хизматининг катта офицери

Худойназаров Орибжон Хасанович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг гуруҳ командири

Шарипов Баходир Раббимович - Самарқанд шаҳар Ички ишлар бошқармаси ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмининг ёнғин ўчирувчиси

Шивалдов Василий Васильевич - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги вақтинча ушлаб туриш изоляторининг бошлиғи

Эрсайдов Аминбай Рахимбаевич - Жазони ижро этиш колонияларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот прокурори

Юлдашев Хуршид Бахрамович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг бўлинма бошлиғи

«Содиқ хизматлари учун» медали билан

Абдуллаев Акмалжон Рахмонович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводининг мутахассиси

Абдурасулов Санъат Ҳақбердиевич - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги гуруҳ секциясининг командири

Аввакумов Денис Олегович - Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий-ҳаво кучлари ўқув авиация звеносининг командири

Азимов Собиржон Сохибжонович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взвод командирининг моддий таъминот бўйича ёрдамчиси

Астанакулов Бобомурод Кудратиллаевич - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳининг командири

Бердиев Эркин Норманович - Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармасининг жамоат тартибини сақлаш ва патруль-пост хизмати бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Буриев Дониёр Махаммадалиевич - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг чегара пости бошлиғи

Вахобов Ахтам Уктамович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Галаутдинова Дилбар Азимовна - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Жураев Бахриддин Хабибович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми муҳандислик хизматининг бошлиғи

Карасева Антонина Яковлевна - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги алоқа тармоғининг телефонисти

Каримбаев Туримбет Хожамуратович - Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг катта терговчиси

Каримбоев Тоғайбек Анорбоевич - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Каримов Акрам Эгамберганович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги округи жанговар тайёргарлик бўлимининг бошлиғи

Кашин Вячеслав Юрьевич - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги заводининг цех бошлиғи

Кузнецова Вера Михайловна - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисми бўлимининг етакчи муҳандиси

Матякўбов Шихназар Байжонович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг хизмат бошлиғи

Нарзуллаев Шермат Рахматуллаевич - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ мутахассиси

Омонов Азамат Сагдуллаевич - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Марказий госпитали умумий жарроҳлик бўлинмаси бошлиғи

Рахматов Жахонгир Шомуродович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳининг мутахассиси

Рузиев Бахтиер Аллямуродович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги дивизионининг гуруҳ командири

Салахитдинов Муртоза Махамадович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги заводининг цех бошлиғи

Сиддиков Уйгун Патхиллоевич - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги МҲСК спорт жамоасининг бошлиғи

Семенец Владимир Федорович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги заводининг мутахассиси

Ташбаев Акмал Эргашалиевич - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг взвод командири

Турсунова Иззатхон Бахридиновна - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Турсунов Илхомжон Икромович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги взводининг мутахассиси

Хайдаров Бахтиёр Ганиевич - Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг бошқарма бошлиғи

Хаиров Шакир Фаридович - Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг взвод командири

Хамдамов Ноъманжан Олимович - Наманган шаҳар ички ишлар бўлими тергов бўлими бошлиғининг ўринбосари

Хамраев Улмас Номирович - Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий-ҳаво кучлари алоқа тармоғи аппаратхонаси бошлиғи

Хужманов Утамурат Мамарасулович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги марказий суд-тиббий ва паталого-анатомия лабораториясининг бошлиғи

«Шуҳрат» медали билан

Абдуллаев Иброхим Тожибаевич - Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани Давлат солиқ инспекциясининг шўъба бошлиғи

Абдуллаев Махаммаджон Нуманович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг гуруҳ командири ўринбосари

Абдуллаев Нормурат Абралович - Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Миллий кинология марказининг кичик йўриқчиси

Абдусатторов Жалол Хазратович - Андижон вилояти адлия бошқармасининг бошлиғи

Андаев Шерали Худайкулович - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари гуруҳининг йўриқчиси

Ахмадалиева Мукаддамхон Нуманжановна - Андижон вилояти хўжалик судининг судьяси

Ахмеджанова Наиля Исмаиловна - Хоразм вилояти прокуратурасининг девонхона мудири

Аширова Замира Холиковна - Қашқадарё вилояти Ғузор тумани прокуратурасининг катта инспектори

Джамалов Хамиджон Нугманович - Андижон вилояти Булоқбоши туман ҳуқуқий маслаҳатхонасининг адвокати

Жонтўраев Шоназар Далабоевич - Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Жумаев Отабек Атакулович - Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармасининг катта терговчиси

Жумаев Расул Норменглиевич - Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги "Отчопар" маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси отряди раҳбари

Зарипов Кахраман Хакимович - Давлат фельдъегерлик хизматининг катта офицери

Ибрагимов Азамат Нортожиевич - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактабининг йўриқчиси

Ибрагимов Исмат Хайруллаевич - Сирдарё вилояти Оқолтин тумани ички ишлар бўлимининг профилактика инспектори

Кубелеков Ильдус Валиевич - Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штаби Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий-ҳаво кучлари ҳарбий қисми хизмати катта муҳандиси

Курбанбаев Азат Турсинбаевич - Қорақалпоғистон Республикаси Кегайли тумани ички ишлар бўлимининг профилактика инспектори

Маматкулов Махкамжан Абдулазизович - Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги «Охунбобоев» қишлоқ фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси отряди раҳбари

Мирзахмедов Жахонгир Ганиджанович - Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги «Жанггоҳ» маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси отряди раҳбари

Мухиддинов Бахтиер Ишанбуваханович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпиталининг кардиология бўлинмаси бошлиғи

Намазов Гулом Темирович - Навоий шаҳридаги «Ўзбекистон» маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси отряди раҳбари

Орипов Хайрулло Лутфуллаевич - Фарғона вилояти прокуратурасининг катта терговчиси

Соворенко Александр Александрович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмининг командири

Таджибаев Анатолий Файзуллаевич - Тошкент шаҳар прокуратурасининг катта терговчиси

Таджибаев Дилшод Отакузиевич - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ командири

Умирзакова Шахринисса Субудиновна - Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг бўлим бошлиғи

Хамидов Садиридин Ульмасович - Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги «А.Яссавий» маҳалла фуқаролар йиғини «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси отряди раҳбари

Хожиев Акмал Жабборович - Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг гуруҳ мутахассиси

Юлдашов Хамид Урунович - Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 28 август

ШҲТНИНГ НАВБАТДАГИ САММИТИ

(Боши 1-бетда)

Албатта, хавфсизлик муаммоларини ҳал этмай туриб, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириб бўлмайди. Мажлисда Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан вужудга келган «ШҲТ-Афғонистон» мулоқот гуруҳи доирасидаги алоқаларга эътибор қаратилди. Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш, мамлакат иқтисодиётини оёққа турғазиш, жумладан, транспорт инфратузилмаси ва қишлоқ хўжалигини тиклаш борасидаги ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилди.

Афғонистон табиий ресурсларни ўзлаштириш ва қайта ишлаш, автомобил ва темир йўлларни таъмирлаш, янгиларини қуриш, ирригация тизимларини барпо этиш, малакали мутахассислар тайёрлаш борасида ШҲТ аъзолари билан ҳамкорликдан манфаатдор.

Ўзбекистон Президенти кўп бор таъкидлаганидек, Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш йўлида халқаро ташкилотлар, аввало, БМТ билан ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимиз раҳбарининг Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш юзасидан НАТОнинг Бухарест саммитида илгари сурган ташаббуслари ҳам халқаро ҳамжамият томонидан қизғин кутиб олинди.

Ислом Каримов ШҲТ доирасида ҳамкорлик изчил ривожланаётган бўлса-да, аъзо мамлакатларнинг улкан иқтисодий салоҳиятидан тўлиқ фойдаланилмаётгани, кончилик, энергетика, логистика, транспорт коммуникациялари, социал инфратузилма, савдо ва сайёҳлик соҳаларида ишга солинмаган талай имкониятлар мавжуд эканини таъкидлади.

Мамлакатимиз раҳбари Афғонистондаги бекарорликка тўхталди. Ислом Каримов таъкидлаганидек, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш хавфсизликнинг энг муҳим омили бўлиб, бунга эришиш учун аввало энг мураккаб ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, бу мамлакатдаги кўп миллатли аҳолининг анъанавий диний ва миллий-маданий қадриятлари ҳамда урф-одатларини ҳурмат қилиш ва қўллаб-қувватлаш, давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлаш масалаларига эътибор қаратиш керак. Афсуски, халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларига қарамай, Афғонистондаги вазият ижобий томонга ўзгараётгани йўқ. Наркотик моддалар етиштириш суръати ошиб бормоқда. Бундан олинадиган даромад эса тинчлик ва барқарорликка асосий таҳдид ҳисобланган терроризм ва экстремизмни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

Мажлисда ШҲТ доирасида транспорт, энергетика, таълим, маданият ва қатор бошқа соҳалардаги алоқаларни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Музокара якунида Президентлар Душанбе декларацияси ва ШҲТ доимий органларининг фаолиятига доир қарорларни имзоладилар. Қўшма баёнот қабул қилинди. Шунингдек, терроризмга қарши қўшма машқларни ташкил қилиш ва ўтказиш тартиби, қурол-яроғ, ўқ-дори ва портловчи моддаларнинг ноқонуний айланишига қарши курашиш тўғрисидаги битимлар, ШҲТ Банклараро бирлашмаси билан Евроосиё ривожланиш банки ўртасида шериклик муносабатларининг асослари тўғрисидаги меморандум имзоланди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда саммитда эришилган келишувлар ШҲТ минтақасида хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди.

ШҲТ саммити ташкилотга аъзо мамлакатларнинг санъат фестивали билан якунланди.

ШҲТ саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев билан учрашди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги муносабатлар иттифоқчилик тамойилларига асосланади. Икки томонлама ҳамкорлик 2005 йилнинг ноябрида имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома руҳида ҳар томонлама ривожланиб, мазмунан бойиб бормоқда.

Иқтисодий ва сармоявий йўналишдаги шериклик кўлами изчил кенгаймоқда. Бу йўналишдаги алоқалар қарийб барча соҳаларни қамраб олади. Ўзбекистон ташқи савдосининг қарийб 30 фоизи Россия ҳисобига тўғри келади. 2007 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 4 миллиард АҚШ долларидан ошди. 2008 йилнинг дастлабки беш ойида 1 миллиард 609,7 миллион долларни ташкил қилди. Айниқса, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Россияга экспортида саноат маҳсулотлари ҳажми ошиб бораётгани диққатга сазовордир. Ўзбекистонда беш юздан зиёд, Россияда қарийб уч юз қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда.

Ислом Каримов ва Дмитрий Медведев икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларини муҳокама қилдилар, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Мамлакатимиз раҳбари Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев билан ҳам учрашди. Президентлар ушбу мулоқот икки томонлама манфаатли ҳамкорлик алоқаларини яна бир карра муҳокамадан ўтказиш учун яхши фурсат яратишини таъкидладилар.

2006 йили Наврўз байрами арафасида Тошкентда ўтган Ўзбекистон — Қозоғистон саммити асносида Президентлар раҳбарлигидаги Давлатлараро мувофиқлаштирувчи кенгаш тузишга келишиб олинган эди. Ушбу кенгашнинг 2007 йил ноябрда Тошкентда ўтган мажлисида Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида 2007-2017 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик стратегияси имзоланди.

Президентлар ҳамкорликнинг ҳозирги босқичига юқори баҳо бердилар. Сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳадаги алоқаларни янада фаоллаштиришга оид масалалар, ШҲТ доирасидаги ҳамкорлик, ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон билан ҳам учрашди.

Ислом Каримов ўзбек ва тожик халқлари икки тилда сўзлашувчи бир халқ эканини, ушбу учрашув ўзаро муносабатларга доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

Имомали Раҳмон оғир дамларда Ўзбекистон раҳбарияти ва халқи кўрсатган ёрдамни Тожикистон халқи асло унутмаслигини қайд этди ва яна бир бор давлатимиз раҳбари билан Тожикистонда учрашиш ниятини билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон-Тожикистон муносабатларига доир масалалар, минтақавий хавфсизлик муаммолари юзасидан фикр алмашилди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент – Душанбе – Тошкент.

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТЛАР РЎЁБИ

(Боши 1-бетда)

Президентимиз жаҳон андозалари даражасида тубдан реконструкция қилинган «Пахтакор» марказий стадионини ҳам бориб кўрди.

Стадион икки йил мобайнида қайта қурилиб, фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган бўлса-да, белгиланган ишларнинг асосий қисми бир йилдан сал кўпроқ вақт ичида бажарилди.

Ислом Каримов даставвал стадионнинг марказий секторида амалга оширилган ишлар, хусусан, мураббийлар, спортчилар, меҳмонлар учун қурилган заллар ва дам олиш хоналари билан танишди.

Стадионда томошабинлар учун қулай ўриндиқлар қўйилган. 11х8,5 метр ўлчамдаги янги табло мухлисларга мусобақани ҳар томонлама кўриш имкониятини яратади. Ёритиш ускуналари ФИФА талабларига тўла мос келади. Бу ерга ташриф буюрган мухлисларга маълумотларни тез ва сифатли етказиш имконини берадиган янги замонавий аудиосистема, рекламаларни намойиш қилиш учун майдон четида электрон мосламалар ўрнатилган.

Мамлакатимиз раҳбари иншоот дизайнида Шарқ ва Ғарб меъморчилиги намуналарининг анъана ва услублари ўзаро уйғунлашгани эътиборга лойиқ эканини таъкидлади.

— Стадиондаги ҳар бир детал ўз ҳолича ва умумий манзара билан уйғунлашган ҳолда ҳам гўзал бўлиши керак, — деди Ислом Каримов. — Айни чоғда, спортчилар ўз маҳоратини тўла намойиш этиши ва мухлислар мазмунли ҳордиқ чиқариши учун барча шароит яратилиши даркор.

Давлатимиз раҳбари стадионда юқори мартабали меҳмонлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари учун мўлжалланган секторларни кўздан кечирди. Мазкур секторларда қулай ўриндиқлар олдида ўрнатилган замонавий мониторлар орқали бир вақтда ўтаётган бошқа мусобақаларнинг боришини кузатиш имконияти мавжуд.

Мазкур стадионда нафақат футбол, балки теннис, кураш, баскетбол, волейбол, шахмат-шашка ва спортнинг яна бошқа турлари бўйича нуфузли турнирлар ўтказиш учун ҳам барча имкониятлар яратилган. Мутахассисларнинг фикрича, бугунги кунда «Пахтакор» марказий стадиони нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки МДҲ ҳудудидаги энг замонавий, ноёб спорт мажмуаларидан бирига айланган.

Президентимиз стадион атрофида барпо этиладиган зарур инфратузилмани ривожлантириш навбатдаги муҳим масала эканини қайд этди. Бу борада мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

Юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишлар энг улуғ неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги рўёбидир. Пойтахтимизда қад ростлаган янги иншоотларни кўриб, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз.

Назокат УСМОНОВА,
Воҳид ЛУҚМОНОВ,
Анвар БОБОЕВ,
Ғулом МИРЗО,
ЎзА мухбирлари
С.ЎРМОНОВ, Муҳаммад АМИН
(ЎзА) олган суратлар

Дунё шаҳарлари ичра танҳо Шош



(Боши 1-бетда)

Жиззахлик Эгамқул бобо Дониёров баҳри дили очилиб, таассуротлари ҳақида гапиради.

— Тошкентга келмаганимга анча бўлганди. Бу манзараларга фақат телевизорда кўзим тушарди. Бир яқинидан томоша қилай деб келдим. Ниҳоятда гўзал масканга айланибди. Мана бу чиройли иморатларни айтмайсизми! Бунинг устига хушманзара дарахтлар, гулзорлар атрофида дам олишга нима етсин.

Бобога эргашиб Хотира хиёбонига йўл оламиз. Ушбу мажмуа кечаги кунимизни ёдга солади. Мотамсаро она ҳайкали қаршисидаги гулзорнинг икки четида қад кўтарган узун айвонлардаги темир китоблардан ўз яқинларининг номини излаётганларга кўзимиз тушди. Улар орасида олисларда қолиб кетган биродарлари руҳига атаб дуо ўқиётган ўша даҳшатли кунларга гувоҳ мўйсафидлар қанча.

Хотира хиёбонининг ўнг тарафида жойлашган Сайилгоҳ кўчасида ҳам одамлар оқими тўхтамайди. Ўз номи билан дам олиш масканини англатувчи бу ҳудудда кўкаламзор майдонлар, фавворалар кўнгилга ўзгача кўтаринкилик бағишлайди.

Ана шу кайфият билан пойтахтимизнинг энг гўзал майдонларидан бири бўлган Амир Темур хиёбонига етиб келганингизни сезмай қоласиз.

Хиёбонга ёндош ҳудудда катта қурилиш олиб борилмоқда. Бу ерда қад ростлайдиган иншоотлар пойтахт кўркини янада очиши шубҳасиз.

Ўзбекистон миллий боғида мустақилликнинг 17 йиллик байрамини нишонлашга тайёргарлик сўнгги нуқтасига етган. Эртага боғда бир гуруҳ юртдошларимиз, хорижлик меҳмонлар, давлат ва ҳукумат раҳбарлари, дипломатик корпус вакиллари иштирокида катта шодиёна бўлиб ўтади.

ИҚТИДОРНИ ЙЎРГАКЛОВЧИ МАСКАН

Тошкентнинг жамолига янада кўрк бағишлаган Ёшлар ижод саройи муҳташам меъморчилик мажмуи сифатида ҳозирданоқ эътироф этилмоқда.

Президентимиз ташаббуси билан «Ёшлар йили» давлат дастури доирасида барпо этилган ушбу сарой ёшларимизга чинакам совға бўлди десак, янглишмаймиз. Айни пайтда у истеъдодли ёшлар тўпланадиган марказга айланган.

Ёшлар ижод саройида 3 та кўргазма зали, маданий-маърифий тадбирлар ўтказишга мўлжалланган зал, шунингдек, санъатнинг турли йўналишлари бўйича машғулот ўтказиладиган ижодий лабораториялар жойлашган. Энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган маскан ёш истеъдод соҳибларининг бой тарихимиз, миллий урф-одат ва

анъаналаримиз, бугунги кунимизни акс эттирувчи тасвирий, амалий ва фотосанъат соҳасидаги ишларини намойиш этади. Бундан ташқари, бу ерда концертлар, маданият намояндалари билан учрашувлар, ёшлар конференциялари, семинар ва бошқа тадбирлар ҳам ўтказилади.

Яқинда мазкур масканда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг 5-форуми бўлиб ўтди. Унда марказнинг ҳудудий бўлимлари фаоллари, «Келажак овози» республика танлови жамғарма кенгаши ва жамғарманинг ҳамкор ташкилотлари вакилларидан иборат 700 дан ошиқ йигит-қиз иштирок этди.

«Навқирон Ўзбекистон!» анъанавий ва замонавий санъат фестивали эса кўплаб ёш иқтидор эгаларини кашф этди. Уларнинг ижодий ишлари асосида ташкил этилган кўргазмалар мутахассислар томонидан юқори баҳоланди.

Саройда айни кунларда мустақиллигимизнинг 17 йиллигига бағишланган ёш дизайнерлар, рассомлар, фотосуратчилар, халқ амалий санъати усталарининг асарлари кўргазмаси очилди. Кўргазмадан жой олган буюмларда миллийлик ва замонавийлик уйғунлашганига гувоҳ бўлиш мумкин. Зулфия Раҳматуллаева, Камола Икромова, Денис Томилин сингари дизайнерлар ижодига мансуб кийимлар, Феруза Файзиддинованинг «Натюрморт», Регина Шарипованинг «Аждарҳо», «Филлар», Ҳасан Ҳидоятовнинг «Қирмизи қишлоқ», «Манзара» каби суратлари, фотосуратчи Жамшид Рашидовнинг асарлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

ҚАДИМИЙ МАДАНИЯТ БЕШИГИ

Археологлар меҳнатини игна билан қудуқ қазишга қиёслаш мумкин. Улар олиб борадиган изланишлар туфайли биз ерда ҳаёт қандай пайдо бўлгани, шаҳар қурилиши нимадан бошланганлиги, ҳунармандчилик қандай вужудга келганлиги, бир сўз билан айтганда, инсоният бугунги тараққиётга қандай эришганлигини яққол тасаввур қилиш имконига эга бўламиз. Бунга биз Ўзбекистон фанлар академияси қошида деярли 5 йилдан бери фаолият кўрсатаётган «Қадимий Тошкент» кўргазма-музейининг экспонатлари билан танишгач, яна бир карра амин бўлдик. Кўплаб бебаҳо тарихий материаллар қўйилган ушбу улкан кўргазма залига биринчи марта кирган киши инсоният тараққиётининг босқичларини, таъбир жоиз бўлса, қадам-бақадам босиб ўтади. Сопол идишларга, тошдан, бронзадан, шишадан ясалган буюмларга, тангаларга, дастлабки шаҳарнинг режалари акс этган хариталарга ҳайрат билан боқиб, цивилизацияга тамал тошини қўйган аждодларимиз қандай буюк инсонлар бўлганлигини англайди.

— Экспонатлар хронологияси Тошкентнинг нақадар қадимий шаҳар эканлигини англашга хизмат қилади, — дейди ЎзФА археология институтининг Тошкент бўлими мудири, академик Ўткир Исломов. — Буларнинг бари ЮНЕСКО томонидан шаҳримизнинг 2200 йиллик юбилейини нишонлаш ҳақида қарор қабул қилинишига асос бўлди. Табиийки, юбилейга тайёргарлик кўриш жараёнида биз биринчи навбатда шаҳар тарихининг манбалари бўлган археология объектларида тадқиқот ишларини давом эттирамиз.

Қўлёзма манбаларда Тошкент ҳақида биринчи марта 11-асрда Маҳмуд Қошғарий, Абу Райҳон Беруний маълумот бергани кўпчиликка маълум, албатта.

Археологик қазишмаларда шаҳарнинг қандай пайдо бўлганлиги ойдинлашди. Тошкент шаҳар сифатида эрамиздан олдинги 3 — 2-асрларда пайдо бўлган. Унинг Ўзбекистоннинг қадимги тарихий маданий марказларидан бири сифатида шаклланиш жараёни кўп асрлар давом этган. Ривожланишнинг дастлабки даврларида Тошкентнинг маркази Шоштепа, Мингўрик, Оқтепа, Қанка бўлган. Ҳозирги кунда қазиш ишлари давом эттириладиган асосий объект Сирғали тумани ҳудудидаги Шоштепа шаҳристони ҳисобланади. Шоштепада хом ғишт ва пахсадан ажойиб архитектура-қурилиш комплекслари эрамиздан аввалги 2-асрдаёқ қурила бошланган.

Мингўрик шаҳристони (ҳозирги Марказий вокзал ҳудуди) эрамизнинг 1-асри бошларига тааллуқли. У Солор ариғи бўйида 2 минг йил олдин пайдо бўлган. Бу шаҳар кейинги давр хитой манбаларида Ши ёки Жи номи билан тилга олинади.

Тарихда Сирдарё бўйлари, Хоразм, Самарқанд, қисман Қозоғистон ҳудудини қамраб олган Қанка давлати ҳақида ҳам маълумот мавжуд. Давлат пойтахт мақомидаги бир нечта марказга эга бўлган. Бугунги кунда Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида Қанка шаҳри бор. У ўз даврида Қанка давлатининг маркази бўлган. Мазкур шаҳар 220 гектар ерни эгаллаган. Шубҳасиз, у Тошкент воҳасининг энг қадимги шаҳарларидан бири ҳисобланади.

Экспонатлар бизни Тошкент воҳаси ҳунармандларининг санъати билан таништиради. Масалан, ўрта асрларга оид араб манбаларида Шошдан экспорт қилинадиган товарлардан сопол идишларнинг тенги йўқлиги қайд этилади. Шошда сопол идишлар 8-аср охири — 9-асрнинг бошларида сирлана бошлаган.

Бинкатда (Тошкентнинг ўша даврдаги номи) шишасозлик 10-асрнинг охири — 11-аср бошларида гуллаб-яшнаган.

Ўртаосиёда дастлабки ҳаммомлар 8-асрнинг охири — 11-асрнинг бошларида пайдо бўлиб, мусулмон маданиятининг ажралмас қисмига айланган.

Тошкент Темур ва темурийлар даврида савдо ва ҳунармандчиликнинг йирик маркази бўлибгина қолмай, давлатнинг шимолий сарҳадларидаги муҳим таянч қалъаси ҳисобланган.

— Шубҳасиз, кўпчиликни Тошкентнинг Эски шаҳар қисми тарихи қизиқтиради, — давом этди олим. — Тошкент марказ сифатида 11-асрда шаклланган. Ҳозирги Эскижўва, цирк, Хадра майдонидан Ўрдагача олиб борилган қазишмаларда топилган буюмлар 9-асрдан олдинги даврларга тегишли. Таъкидлаш жоизки, Тошкент воҳасида одамлар тош асридан буён яшаб келади. Бироқ бўлар бу ҳудудда шаҳар юзага келганини билдирмайди. Шаҳар ёшини белгилашда асосийси эса шаҳарни режалаштириш тизими ва сопол идишларнинг мавжудлигидир. Физика қонунларига асосланган ҳозирги технологиялар шаҳарнинг пайдо бўлиш санасини аниқ белгилаш имконини беради. Масалан, кўмир ёқилган вақтни аниқлаш технологияси мавжуд. Магнит усули билан ҳам аниқ санани белгилаш мумкин. Бизнинг геологларимиз бу усулни муваффақиятли қўллашаяпти.

Археологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, шаҳримизнинг тарихи мазкур минтақалар тарихи билан бевосита боғлиқ. Шаҳар маданиятининг ривожи эса Чоч урбанизацияси динамикасини акс эттиради. Мазкур вилоят қадимдан барча янгиликларни ўзлаштириш ва ўзаро таъсир этиш зонаси бўлиб келган. Воҳа топилмалари бу ерда турли цивилизацияларнинг ўзаро таъсирини тасдиқлайди. Шунга ўхшаш интеграция жараёнларининг шарофати билан Тошкент ўрта асрлардаёқ Моваро-ун-нахрдаги илғор шаҳарлардан бирига айланган.

МЕҲНАТ КИШИСИ ЭЪТИБОРДА

Ишловчилар манфаатини ҳимоя қилишни устувор вазифа деб биладиган касаба уюшма ташкилотлари кириб бормаган соҳа йўқ. Ҳар бир жабҳада унинг таъсирини сезиш мумкин. Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бугунги асосий мақсади меҳнаткашларнинг ижтимоий муҳофазасига эътиборни кучайтиришдир.

Шу йўналишдаги вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида июн ойида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ўртасида 2008 — 2010-йилларга мўлжалланган келишув қабул қилинди. Унда ижтимоий ҳамкорлик тамойилида иш олиб бориб, шаҳарни ижтимоий ривожлантириш дастурини бажариш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, турмуш даражасини юксалтириш, бошланғич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини янада жонлантириш, меҳнат интизомини яхшилаш каби қатор масалалар кўзда тутилган.

Бирлашма касабақўм ва маъмурият ўртасида тузиладиган жамоа шартномаларининг ижросини таъминлаш, таъсир кучини ошириш орқали ходимлар ижтимоий ҳимоясига эришиш йўлида тинимсиз ҳаракат олиб бормоқда. Хусусан, корхона, ташкилот ва муассасаларда «Ёшлар йили» давлат дастурига мувофиқ мазкур меъёрий ҳужжатларга киритилган қўшимча имтиёз ва кафолатлар асосида қатор ишлар амалга оширилди.

— Келажагимиз эгаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга касаба уюшма ташкилотлари ҳам муносиб улуш қўшмоқда, — дейди бирлашма кенгаши раиси Нурулла Насимов. — Жумладан, биринчи ярим йилликда 348 та корхона ўз ҳисобидан кам таъминланган ёш оилаларга ҳамда 3 ёшгача фарзанди бўлган 1452 нафар онага 64 млн. сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатди. Шунингдек, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш, уй-жой қуриш учун 4 та корхонада 7 нафар янги оила қурган ходимга 18 млн. 450 минг сўмлик ссуда берилди. Олий ўқув юртларида контракт асосида таҳсил олаётган 80 нафар талабанинг ўқишига корхоналар томонидан 41 млн. сўмдан зиёд маблағ ўтказилди. Корхона-ташкилотларда меҳнат қилаётган ёшлар ҳамда талабалардан 630 нафари профилакторийларда соғломлаштирилди.

Эътиборга сазовор жиҳати шуки, тармоқ касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан 850 нафар



ёшнинг юртимизнинг тарихий ва диққатга сазовор жойлари бўйлаб бепул саёҳати уюштирилди.

Ёзда болаларни соғломлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Мавсумда 58 та оромгоҳ, шундан 22 та стационар ҳамда мактаблар қошида 36 та кундузги оромгоҳ фаолият кўрсатиб, 42 мингта бола дам олдирилди. 8 та соғломлаштириш оромгоҳида белгиланган 15 кун тегишли корхона-ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан 18 кунга узайтирилди.

Меҳнаткашлар ўртасида спортнинг оммавийлигини ошириш, халқаро майдонларда ватанимиз шарафини ҳимоя қилишга қодир маҳоратли спортчиларни тарбиялашда шаҳар касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгаши фаол иштирок этмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадида шаҳар ЖТСЖга бирлашма кенгаши ҳисобидан 30 млн. 800 минг сўм, суғурта маблағларидан эса 131 млн. сўм ўтказилди.

Бу йил пойтахт олий ўқув юртларининг 5 нафар иқтидорли талабасига бирлашма кенгашининг стипендияси тайинлангани ҳамда 10 нафар ўқувчига совғалар берилгани касаба уюшмалари Ёшлар йилида амалга ошираётган ишларининг аҳамиятини кўрсатади.

МЎЪЖАЗ ВАТАННИНГ БАҒРИ КЕНГ

Қувончли ва ташвишли дамларимизда яқин биродарларимиз билан бир қаторда маҳалладошлар елкадош бўлиб турганлигини ҳис этишнинг ўзи бахт. Истиқлол йилларида ана шу муҳим институт — маҳаллаларга алоҳида эътибор берилаётганлигининг боиси ҳам шу. Жуда кўп савобли ишларда бош-қош бўлаётган маҳалланинг нуфузи кундан-кун ортиб бораётир. Шайхонтоҳур туманидаги Чақар маҳалласида айни кунларда қўшалоқ байрамга тайёргарлик авжида.

— Кўркам бинолар, иншоотлар ва равон кўчалар — мўъжаз ватаннинг чинакам қиёфасини, байрам кайфиятини акс эттиради, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳусан Файзиев. — Маҳалламиз аҳли бир тан-бир жон бўлиб байрамни муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқда. Обод ва фаровон турмуш тарзини шакллантириш учун ҳаракат қилаяпмиз. Тошкенг шаҳрининг 2200 йиллигига тайёргарлик кўриш тўғрисидаги қарорга асосан тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Ҳозиргача 876 та дарахт оқланди, 1200 туп дарахт ва гул кўчати экилди. Олтита болалар майдончаси ва «Ташаббускор ёшлар боғи» ташкил этилди. Майдончаларда барча шароит яратилган. «Асакабанк»нинг Шайхонтоҳур туман филиали маҳалла ҳисоб-рақамига 5 млн. сўм ўтказиб берди. Унинг 3 млн. 500 минг сўми болалар учун ўйингоҳ барпо этишга сарфланди. Қолган маблағ 45 та кам таъминланган оилани қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. Ёшлар йили муносабати билан ўтказилган «Маҳалла куни» кўрик-танловининг туман ва шаҳар босқичларида маҳалла фуқаролар йиғинининг диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Сайёра Муҳаммедова энг намунали маслаҳатчи деб топилиб, 1-даражали диплом ва қимматбаҳо совғаларга сазовор бўлди. Энди у танловнинг республика босқичига тайёргарлик кўрмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган тўгаракларда болалар бўш вақтини мазмунли ўтказишмоқда.

* * *

Тошкент файзли макон. Зеро, бу қутлуғ замин шу юртда яшаб ўтган мутафаккир шоир Зайниддин Восифий таърифлаганидек:

Андоқ бир шаҳарки жаннатмакондир,
Ҳижолатдин жаннат сийнаси қондир.
Бу кентни ким кўрса жилмагай,
Жаннат неъматларин орзу қилмагай...

Тўлқин ШЕРНАЕВ,
Ҳидоят ЖЎРАЕВА,
«Ishonch» мухбирлари

Истиқлол насимлари

КЕНГАШИБ КАМОЛГА ЕТГАНЛАР

Хатирчи туманидаги «Оқолтин» қишлоқ фуқаролар йиғинида 14 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Кўчалар асфалтланган. Кўркам тураржойлар, ўнлаб маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари эл хизматида.

«Қурбон Гадоев» маҳалла фуқаролар йиғининг раиси Шоназар Қаландаровнинг фикрларига қулоқ тутайлик.

— Маҳалламизнинг обод бўлишида тадбиркорларимизнинг ҳиссаси катта. Маҳалла биносини тадбиркор Суннатулла Раҳимов ўз маблағлари ҳисобига қурдириб, калитини қўлимизга тутқазди. Шу кеча-кундузда ёшларимиз никоҳ тўйларини янги бинода ўтказаяпти. Тегирмон, савдо шохобчалари, кушхона, сартарошхона, врачлик пунктлари ва мактаб қурилишларига ҳам фермер ва тадбиркорларимиз ҳисса қўшишмоқда.

«Оқолтин» қишлоқ фуқаролар йиғинида жиноятчилик ва ишсизлик камайиб, меҳнат унумдорлигининг ортишига эришилаяпти. Отамерос серҳосил ерлар эса чинакам эгаларига топширилган.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

«УМИД НИҲОЛЛАРИ» БОҒИ

Гулистоннинг «Фарҳод» маҳалласида барпо этилаётган янги хиёбоннинг «Умид ниҳоллари боғи» деб номланишида ўзига хос маъно бор. Чунки 2009 йили «Умид ниҳоллари» мусобақасининг финал босқичи айнан шу шаҳарда бўлиб ўтади. Шу кеча-кундузда янги боққа қадам қўйган киши бу ерда ҳашар йўли билан катта ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлади.

Яқинда бу ерда бўлиб ўтган тадбирда сенатор, Сирдарё вилояти ҳокими Абдураҳим Жалолов, умумхалқ ҳашарида иштирок этаётган ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда қариялар қатнашди.

Ҳоким нуронийларга лойиҳа асосида олиб борилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди. Шундан сўнг ҳовузга сув очилди. Боғ ўртасида қўй сўйилди. «Чашма» ошхонасида ўзбегимнинг хуш таоми — палов дамланди.

— Мамлакатимиз мустақиллигининг ўн етти йиллиги арафасида маҳалламиз янада обод бўлаётганидан хурсандмиз, — деди «Фарҳод» маҳалласи оқсоқоли Мухтор Маматқулов. — Истагимиз — шаҳримиз янада обод бўлсин. Истиқлол қуёши мангу порласин.

Пиримқул ДЎСТМАМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

ТЎЙГА ТЎЁНА БИЛАН...

Марғилон шаҳар телекоммуникация боғланмаси раҳбарияти кўшни Охунбобоев тумани қишлоқларида телекоммуникация тармоғини кенгайтиришга алоҳида эътибор бераяпти.

Қумтепа қишлоғида қисқа муддатда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган «СГМ-208» маркали кичик телефон станцияси ишга туширилди. Унга катта муҳандис Анвар Мирзараҳимов масъул этиб тайинланган.

Эндиликда қишлоқ аҳолиси электрон рақамли телефон станциясидан фойдаланмоқда. Шунинг учун мижозлар сони тобора ошиб бормоқда. Уларга 30 га яқин қўшимча хизмат турлари тақдим этилаяпти.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

Муборакдаги «Пресстиж» кичик корхонаси саноат ва қурилиш соҳасида муваффақиятли фаолият юритиш билан бирга ҳудудда савдо ва хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантиришга ҳам муносиб ҳисса қўшаяпти.

Бултур корхона томонидан шаҳар марказида супермаркет қурилган эди. Бу йил 20 ўринли «Пресстиж» меҳмонхонаси ишга туширилди. Янги маскан қошида тантанали маросим ва концертлар ўтказишга мўлжалланган 200 ўринли ресторан ҳамда тренажёр зали мавжуд.

Меҳмонхона ёнида замонавий ўқув маркази бунёд этилиб, унда ёшлар учун мусиқа, рақс ва тасвирий санъат тўгараклари, бичиш-тикиш, чет тилларини ўргатиш курслари ташкил этилди.

Иззат ҲИКМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

КАСБ-ҲУНАРЛИЛАР ИШГА ЖОЙЛАШДИ

Жиззахдаги «Ўрда» ёшлар боғида ўтказилган меҳнат ярмаркаси уч кун давом этди. Вилоят ҳокимлиги, прокуратураси, ички ишлар бошқармаси, «Камолот» кенгаши, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ҳамкорликда ташкил этган мазкур тадбирда шаҳар ва туманларда истиқомат қилувчи икки мингга яқин ёшлар, асосан коллеж битирувчилари фаол қатнашиб, уларнинг асосий қисми доимий иш жойига эга бўлди.

— Тадбир ташкилотчиларидан миннатдорман, — дейди Шерзод Эшонқулов. — Яқинда енгил саноат коллежини битиргандим. «Жиззахшаҳаргаз» идорасига йўлланма билан ишга жойлашдим. Энди оиламизга ҳам ёрдамим тегадиган бўлди.

— Ёшлар учун бундай ярмаркаларнинг ўрни беқиёс, — дейди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудири И.Турсунов. — Унда Жиззах шаҳридаги 900 дан зиёд корхона, ташкилот ва муассаса бўш иш ўринлари билан қатнашгани айни муддао бўлди.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири





ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИРЙЎЛЧИЛАРИ ВА ТРАНСПОРТ ҚУРУВЧИЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ



Ўзбекистон халқини Ватанимиз Мустақиллигининг 17 йиллиги билан самимий муборакбод этади. Жондан азиз диёримизнинг бундан-да гуллаб-яшнаши йўлидаги ишларда барчангизга омад ва муваффақиятлар ёр бўлсин. Оилангиздан тинчлик-хотиржамлик, бахту баркамоллик, дастурхонингиздан файзу барака аримасин, азизлар!

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

Мустақиллик шарофати билан бунёд этилган корхонамиз жамоаси номидан юртимизга ташриф буюраётган энг улуғ ва энг азиз байрам муносабати билан соҳамиз ишчи-хизматчиларини, ҳамкорларимизни, эзгу ниятлар сари интилаётган Ўзбекистонимизнинг барча аҳолисини самимий муборакбод этамиз!

Мамлакатимиз куч-қудратини мустаҳкамлаш, унинг обрў-эътиборини ошириш учун ҳисса қўшаётган, халқ турмуш фаровонлигини таъминлашда фидойилик кўрсатаётган инсонларга сиҳат-саломатлик, ишларида омад ёр бўлишини тилаб қоламиз!

Байрам муборак, азизлар!



Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши

Фидойи халқимиз ва соҳа ходимларини кўнгилларни сурурга тўлдириб, яқинлашиб келаётган муборак айём — Мустақиллик байрами билан чин дилдан самимий қутлаймиз. Айём олиб келаётган қувончлар бардавом бўлсин! Юртимизнинг ҳар бир фуқаросига, юксак орзулар-ла йўлга чиққан йигит-қизларимизга эзгулик, бахт ёр бўлишини тилаймиз.

Андижон вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши

Тармоқ ходимлари ва юртимиз аҳлини Истиқлол айёми билан чин юракдан қутлайди. Ҳаётимиз тинч, халқимиз омон бўлсин, ҳур Ўзбекистонни файзу барака тарк этмасин!

«Қизилқумцемент» ОАЖ раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитаси

Меҳнаткаш халқимизни ва барча тармоқ ишчиларини улуғ байрамимиз — Мустақилликнинг 17 йиллик айёми билан чин дилдан қутлайди. Она юртимиз узра саодат қуёши мангу порлаб, муқаддас юртимиз шуҳрати янада зиёда бўлсин!



«Бўстон санаторийси» масъулияти чекланган жамияти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

Мамлакатимиз фуқаролари ва барча касбдошларни Мустақиллик байрами билан қутлайди ва мазкур сиҳатгоҳда дам олиб, даволанишга чорлайди.



Санаторий Тошкент шаҳридан 30. км масофада, денгиз сатҳидан 450 метр баландликда, «Зах» канали бўйида жойлашган. Серқуёш кунлар, шифобахш сув ва даволовчи балчиқлар асаб тизимлари, юрак, қон-томир, гинекологик, урологик касалликлар билан оғриган беморлар учун ажойиб даволаш омилларидан ҳисобланади.

Мижозларга термал сулфат-кальций, ишқорли натрий, азот минералларига бой бўлган маъданли сув ванналари берилади. Шунингдек, электронур, даволаш жисмоний тарбияси, психотерапия, игна-терапия, лазеротерапия, галванобалчиқ, парафин-озокеритлар қўлланилади. Зарур диагностика учун ультратовуш текшируви, компьютерли ЭКГ, рентген, клиник ва биохимик лаборатория мавжуд.

Ётоқ бинолари шинам жиҳозланган бир ва икки ўринли хоналардан иборат. Шунингдек, ошхона, фитобар, клуб, кутубхона, бар ва сауна сизнинг хизматингизда.

Дам олувчилар учун қўшимча хизматлардан шарқ чойхонаси, суратхона, аёллар ва эркаклар сартарошхонаси, алоқа бўлими ва автотранспорт турар-жойи фаолият кўрсатмоқда.

Санаторийимизга хуш келибсиз!

Манзилимиз: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Байтқўрғон ҚФЙ.
Телефон: 8(37071)54311

«Хонқа санаторийси» масъулияти чекланган жамияти маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

Барча юртдошларимиз ва соҳа ходимларини Истиқлол айёми билан муборакбод этади ва ушбу сиҳатгоҳда дам олиб, даволанишга таклиф қилади.

Санаторийимизга хуш келибсиз!

Манзилимиз: Хоразм вилояти, Хонқа тумани.
Телефон 8 (362) 3991586, 3994477

Санаторий замонавий архитектура ютуқлари асосида бунёд қилинган, Амударё қирғоғига яқин жойлашган бальнеологик курортдир.

Уч қаватдан иборат бўлган ётоқ, даволаш ва ошхона мажмуаси бир-бирига туташган бўлиб, даволанувчилар учун қулай имкониятлар яратади.

Юрак қон-томир, асаб тизими, гинекологик, таянч-ҳаракат аъзолари касалликлари билан оғриган беморлар учун шифобахш табиий омиллар мавжуд. Йод, бром ва кўпгина минералларга бой маъданли сувлар ичиш ва ванналар бериш учун қўлланилади.

Замонавий ташхис ва даволаш асбоб-ускуналар, физиотерапия, лазеротерапия, даволаш жисмоний тарбия, уқалаш, игнарефлексотерапия, итотерапия ва парҳез овқатланиш Сизнинг соғлиғингизни тиклаш учун қўлланилади.

Алоҳида лойиҳа бўйича бунёд қилинган «Қишки боғ»да турли хил субтропик гуллар ва дарахтлар атрофга анвойи ҳид таратиб, товланиб турибди. Бундай ҳолат дам олувчиларни ўзига мафтун этади ва кайфиятини кўтаради.

Катта ва ёруғ ошхона, кутубхона, спорт майдончаси, почта сизнинг хизматингизда. Қадимий Хива шаҳрига саёҳатлар уюштирилади.

Эксклюзив интервью

Баҳодир ТОЖИЕВ:

«ҒАЛАБАЛАР — ЭЪТИБОР НАТИЖАСИ»

Пекинда ниҳоясига етган XXIX ёзги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг ҳам бир қатор спортчилари Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишди. Мамлакат мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Жисмоний тарбия ва спорт жамияти раиси, Ўзбекистон байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича терма жамоа бош мураббийи Баҳодир Тожиев билан суҳбатлашдик.

— Баҳодир ака, 29-Олимпия ўйинларининг очилиш маросими аввалгиларига ўхшамаган тарзда ўтди...

— Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён спортчиларимиз тўртинчи Олимпиадада иштирок этишди.1996 йил Атлантада, 2000 йил Сиднейда, 2004 йил Афинада ўтган Олимпия ўйинлари очилиш маросимини кузатганман. Бироқ Хитойдаги каби чиройли, ўзига хос спорт байрамини кўрмагандим. Айниқса, мусобақа машъаласини ёқиш маросими эртаклардагидек бўлди. Менимча, бу каби ажойиб очилиш маросими кейинги Олимпиадаларда ҳам қайтарилиши қийин.

— Мусобақада ўзбекистонлик спортчилар 6 та медал соҳиби бўлишди. Ғолиб спортчиларимиз иштирокига тўхталсангиз. Ғалабаларни айнан Пекинда туриб нишонлаш бахти сизга ҳам насиб этди...

— Эсингизда бўлса, тўрт йил олдин Афина Олимпиадасида спортчиларимиз томонидан бешта медал қўлга киритилиб, ютуқлар асосан эркин ва юнон-рум кураши ҳамда бокс терма жамоалари ҳиссасига тўғри келганди. Бу гал эса дзюдо, трамполин, спорт гимнастикачиларимиз ҳам ўзларини кўрсатишди ва бу юртимизда спортнинг барча турларида ҳам имкониятларимиз етарли эканлигини исботлади.

Артур Таймазовнинг икки карра Олимпиада чемпиони бўлгани барчамизни бирдек хурсанд қилди. Шунингдек, Абдулла Тангриев дзюдо бўйича дунёнинг энг кучли курашчиларини, германиялик жаҳон кубоги соҳиби Андрес Толцер, иккинчи беллашувда вазни ўзидан анча юқори бўлган полшалик Януш Войнарович, сўнгра франциялик жаҳон чемпиони Тедди Ринер устидан чиройли усуллар ишлатиб, ғалабага эришди. Аслида эса қуръада Абдуллага омад кулиб боқмаганди. Бироқ Тангриев ўзбек полвонлари нималарга қодирлигини намойиш этди. Бир кунда уч-тўрт марта гиламга чиқиш, албатта, осон иш эмас. Жаҳон кубоги соҳиби ва чемпионини мағлуб этган Абдулла финалда бироз чарчаганлиги сезилиб қолди ва суст курашгани учун огоҳлантириш олиб, баҳсни бой берди.

Спорт гимнастикачимиз Антон Фокин эса бронза медали соҳиби бўлди. Бундан 44 йил илгари «Токио-1964» Олимпиадасида ҳамюртимиз Сергей Диамидовдан кейин эркаклар ўртасида гимнастларимиз шоҳсупага кўтарилмаганди.

— Байдарка ва каноэда эшкак эшиш устаси Вадим Меньков бизга еттинчи медални туҳфа этиши мумкин эди. Шогирдингизнинг Олимпиадага тайёргарлик кўриши ва иштироки ҳақида тўхталсангиз... Медалга эришишда унга нима етишмади, деб ўйлайсиз?

— Вадимнинг пайтда бокс терма жамоамизда авлодлар алмашинуви даври. Тажрибали боксчиларимиз ўрнига ёшлар келишган. Уларнинг тажрибаси ошиши учун кўпроқ халқаро турнирларда иштирок этиши лозим бўлади. Бунинг устига Рустам Саидов, Жасур Матчонов, Беҳзод Хидиров каби тажрибали боксчиларимиз Олимпиада лицензияларини қўлга кирита олишмади. Бироқ ўзбек бокси ўз анъаналарига эга, тажрибали мураббийларимиз бор. Ўйлайманки, шонли ғалабаларимиз давом этади.

— Пекин Олимпиадасида бир қатор умидли ёшларимиз ҳам иштирок этишди. Сизда кимлар яхши таассурот қолдирди?

— Боя айтганимдек, Вадим Меньков барчанинг эътирофига сазовор бўлди. Дзюдочимиз Мирали Шарипов ҳам иштиёқи кучлилигини намойиш этди. Спорт гимнастикачимиз Луиза Галиулина, енгил атлетикачи Бобур Шокиржонов гарчи Олимпиада йўлланмасини баҳслар бошланишига оз фурсат қолганда қўлга киритса-да, нуфузли мусобақанинг энг ёш иштирокчилари сифатида қайд этилишди. Умуман, Пекинга борган 58 нафар спортчи орасида ёшларимиз кўп ва улардан умидимиз катта.

— Олимпиада чоғида уюштирилган турли тадбирлар ҳақида ҳам ҳикоя қилиб берсангиз...

— Энг эсда қоларли воқеа, Олимпиаданинг очилиш маросими эртасига Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Пекиндаги «Олимпия шаҳарчаси»га келиб, спортчи ва мураббийлар билан учрашгани бўлди. Давлатимиз раҳбари учрашув чоғида барчамизга омад тилаб, «Фарзандларим, сизлардан мемусобақада ғолиб чиқиши учун сониянинг маълум бир улушлари етишмади. Бироқ халқаро байдарка ва каноэда эшкак эшиш федерацияси раҳбарлари, мутахассислар Меньковнинг иштирокига юқори баҳо беришди ва кейинги Олимпиадада ғолиб чиқиши мумкинлигини таъкидлади. Ўзим терма жамоа мураббийи сифатида Меньковнинг 7-8-ўринлардан бирини олишини тахмин қилгандим. У тўртинчи ўринни эгаллади ва шиддаткорлиги билан барчани қойил қолдирди.

— Биз Ўзбекистон бокс терма жамоасидан медал кутгандик. Бироқ бундай бўлмади. Сизнингча, терма жамоанинг тайёргарлиги кўнгилдагидек эмасмиди?

— Дарҳақиқат, кўпчилик ўзбек боксчиларидан натижа кутишганди. Аммо бу — спорт. Унда кимдир ютади, кимдир ютқазади. Айни дал сўрамайман. Бор имкониятларингни ишга солиб, Ватан шарафини ҳимоя қилинглар. Ҳар доим «Ё, пирим!», деб майдонга чиқинглар. Сизга аждодларимиз руҳи, пирлар мададкор бўлсин», деган сўзлари барчамизни тўлқинлантириб юборди.

Бундан ташқари, Олимпиада ўтаётган кунлари «Ўзбекистон маданияти ва санъати Форуми» жамғармаси томонидан Ўзбекистон кунлари ташкил этилди. «Ўзбекистон кунлари»да Халқаро спорт федерациялари раҳбарлари, турли давлатлар элчилари иштирок этишди. Иштирокчилар Ўзбекистонда спортга берилаётган катта эътибор, мамлакатимизда қурилаётган спорт иншоотлари ва ўтказилаётган халқаро мусобақалар, жаҳон ва Осиё чемпионатлари ҳақида илиқ фикрларни билдиришди. Юртимиздаги сиёсий барқарорлик, иқтисодий ўсиш, тинчлик оқибатида спорт жадаллик билан ўсаётганини таъкидлашди.

— Кутилганидек, умумжамоа ҳисобида мезбонлар биринчи ўринни эгаллади. Биз улардан нималарни ўрганишимиз мумкин?

— Эътиборли томони, хитойликлар Олимпиададаги барча спорт турлари бўйича баҳсларда иштирок этишди. Кўплаб медаллар қўлга киритилди ёки жуда бўлмаганда медалга яқинроқ натижа қайд этилди. Биз Хитой терма жамоаларидан ўқув-машғулот жараёнларини олиб боришни ўрганишимиз мумкин. Масалан, эшкак эшувчилар бир неча ой уйига бормасдан машғулот базасида тайёргарлик кўришаркан. Спортчи 10 соатлаб маҳоратини ошириш устида ишлайди. Ҳар бир спортчига бириктирилган физиолог, диетолог ва шифокорлар унинг жисмоний тайёргарлигини ошириш учун машғулотлар ҳажмини белгилаб беришган. Бунинг натижасида спортчининг кўрсаткичлари ўсганини кўриш мумкин.

Яна шуни қўшимча қилишим мумкинки, хитойликлар худди ўзбек халқи сингари меҳнаткаш, матонатли. Олимпиаданинг бунчалик муваффақиятли ўтказилиши ҳам улар табиатидаги меҳнатсеварлик, изланувчанлик, ишга сидқидилдан ёндошиш фазилатлари самарасидир!

Акмал АБДИЕВ суҳбатлашди.

Саёҳат

Ёшларга ғамхўрлик, аждодларга эҳтиром

Бугун мамлакатимизнинг қай ерига борманг, истиқлол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўласиз. Бироқ юртимиз бўйлаб саёҳатга чиқишга ҳаммада ҳам имконият бўлавермайди. Шуни эътиборга олиб; Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши вилоятнинг 21 та шаҳар ва туманидан (ҳар биридан 20 нафардан) фидойи, турли касб вакилларидан иборат ёшларни саёҳатга олиб чиқиш ташаббуси билан чиқди. У кенгашнинг «Ёшлар йили» дастурида ўз аксини топди.

— Ёшларни саёҳатга олиб чиқишдан мақсад — уларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, аждодларимиздан қолган бой маданий меросни кўрсатиш, қалбларида буюк боболаримизга юксак ҳурмат-эҳтиром уйғотишдан иборат, — дейди Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши меҳнат муҳофазаси бўлими мониторинг гуруҳи мутахассиси Раҳматулла Жўраев. — Бу шунчаки томоша бўлиб қолмай, уларнинг маънавий оламини бойитишда ҳам аҳамияти беқиёс. Саёҳат давомида ёшлар ўзаро дўстлашганининг гувоҳи бўлдим. Демак, қайсидир маънода мақсадимизга етдик.

Бирлашма кенгаши томонидан ажратилган «Isuzu» автобуси ёшликка хос ғайрат-шижоатни тарғиб этувчи банерлар билан безатилганлиги, бепул овқат, яратилган қулайлик ҳамда имтиёзлар таҳсинга лойиқ.

— Бўстонлиқлик бўлсамда Тошкентга биринчи марта саёҳатга келишим, — дейди 3-мактаб инглиз тили ўқитувчиси Ҳасан Насриддинов. — Айниқса, Зангиота мақбараси, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ҳастимом мажмуаси катта таассурот қолдирди. Мен ҳам ота-боболаримиздек юрт равнақи учун нимадир қилишим зарурлигини теранроқ англадим.

Қалблари қувонч ва ҳаяжонга тўла ёшлар билан суҳбатлашиб қайтарканмиз, Ўзбекистон — тарих ва бугунни туташтирган ўлка деган гапнинг нечоғли тўғрилигига яна бир карра амин бўлдик.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, бугунга қадар вилоят касаба уюшма ташкилотлари томонидан Тошкент шаҳри ва вилояти, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз шаҳарларига 4 минг нафарга яқин ёшларнинг саёҳати уюштирилди. Бунинг учун 66 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Шерзод АБДУСАМАДОВ, «Ishonch» мухбири

Касаба уюшма спорти

Ғолиблар аниқланди

Чимён тоғлари бағрида жойлашган хушҳаво «Алгоритм» болалар спорт соғломлаштириш оромгоҳида Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмасининг анъанавий VIII ишчилар спартакиадаси финал мусобақалари бўлиб ўтди.

Баҳсларда тармоқ касаба уюшмасининг Тошкент, Андижон, Фарғона, Наманган ва Самарқанд вилоятлари жамоалари, Тошкент шаҳридаги касаба уюшма қўмиталари раислари кенгашлари ҳамда Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати ОАЖ, Тошкент авиация ишлаб чиқариш ДАЖ ва Ўзметкомбинат АИЧБ вакиллари мини футбол, сузиш, шахмат, шашка, оилавий мусобақалар ҳамда стол тенниси бўйича иштирок этди. Жами 162 нафар ҳаваскор спортчи қатнашган мазкур мусобақада умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Тошкент шаҳар касаба уюшмалари қўмиталари раислари жамоаси эгаллади. Ўзметкомбинат АИЧБ жамоаси иккинчи, олмалиқликлар эса учинчи поғонани забт этди.

Барча ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди.

М.ЭШОНХЎЖАЕВА, тармоқ касаба уюшма Марказий Кенгаши бўлим мудири

Европа чемпионлар лигаси

Барча йўллар Римга олиб боради

Монако князлигида Европадаги энг нуфузли футбол мусобақаси — чемпионлар лигасининг гуруҳ босқичига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди. Уни одатдагидек, УЕФА ижрочи директори Дэвид Тейлор олиб борди. Анъанага кўра, аввало ўтган мавсум қаҳрамонлари саҳнага чақирилди. 2007-2008 йилги мавсумнинг энг яхши дарвозабони номинациясига Лондоннинг «Челси» клуби аъзоси Петр Чех лойиқ кўрилди. Энг яхши ҳимоячи деб ушбу клуб вакили Жон Терри ва ярим ҳимоячи деб Фрэнк Лэмпардлар эътироф этилди. Ўтган йилги чемпион «Манчестер Юнайтед» аъзоси — Криштиану Роналду бир йўла икки мукофотга эга бўлди: энг яхши ҳужумчи ва йилнинг энг яхши ўйинчиси.

Шундан сўнг лауреатлар ёрдамида 4-раундга чиққан жамоалар гуруҳларга ажратилди. Таъкидлаш лозимки, омадлилар сафида бу йил ҳам сенсацион тарзда гуруҳ босқичига чиққан янги клублар бор. Булар — Беларуснинг «БАТЭ», Руминиянинг «ЧФР Клуж», Кипрнинг «Анортосис» ва Даниянинг «Ольборг» клубларидир.

Қуръа натижалари билан танишинг:

«А» гуруҳи — «Челси», «Рома», «Бордо», «ЧФР Клуж».

«В» гуруҳи — «Интер», «Вердер», «Панатинаикос», «Анортосис».

«С» гуруҳи — «Барселона», «Спортинг», «Базель», «Шахтер».

«D» гуруҳи — «Ливерпул», «ПСВ», «Марсел», «Атлетико».

«Е» гуруҳи — «Манчестер Ю», «Виллярреал», «Селтик», «Ольборг».

«F» гуруҳи — «Лион», «Бавария», «Стяуа», «Фиорентина».

«G» гуруҳи — «Арсенал», «Порту», «Фенербахче», «Динамо».

«Н» гуруҳи — «Реал» М, «Ювентус», «Зенит», «БАТЭ».

Мутахассислар фикрича, яққол «ўлим гуруҳи» мавжуд бўлмаса-да, Россия чемпиони биринчи йилданоқ мураккаб гуруҳдан жой олди.

Эслатиб ўтамиз, УЕФА чемпионлар лигасининг навбатдаги финали 2009 йилнинг май ойида Римдаги машҳур «Олимпико» стадионида бўлиб ўтади.

Нурбек ЮЛДОШЕВ, «Ishonch» мухбири

Инсонлар тақдири бетакрор, қисматлар бетимсол. Лола опа олий ўқув юртини битириб оддий тарбиячиликдан иш бошлаганига бу йил ўттиз йил тўлибди. Ўттиз йил...

Лола Узоқова (чапдан иккинчи) ҳамкасблари даврасида.

БОЛАЛАРГА БАХШИДА УМР



Дастлаб иш бошлаган вақтиданоқ ҳамманинг диққатини ўзига тортди. Ҳуқуқшунослик факултетини битирган, кўринишидан ҳам жиддий, ҳам очиқ чеҳрали бу қизча келгусида яхши адвокат ё судя бўлиши мумкин эди. Лекин опадаги ёшликдан болаларга бўлган меҳр-муҳаббат уни Тошкент давлат педагогика институтига бошлади. Бу дарғоҳни ҳам муваффақиятли тамомлади.

— Болаларни жонимдан ортиқ кўраман, — дейди Лола опа. — Улар эртамизнинг эгалари. «Мен катта бўлсам фалончи бўламан» дейди бола. Қаранг, шу мурғак қалбнинг ҳам эртанги умидлари, орзу-ўйлари бор. Уларни жиддий қабул қилиш ва ҳурмат қилиш лозим.

Лола Узоқова кўп йиллик тажрибасини ҳамкасбларидан аямайди. Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги у киши раҳбарлик қилаётган 445-мактабгача таълим муассасаси кўп жиҳатдан илғор боғчалардан. Бу ерда ўз касбининг усталари — педагог, логопед ва бошқа ходимлардан иборат аҳил жамоа хизмат қилади.

Фаолият

— Раҳбарликда энг асосий омил, менимча, билим ва оқилона сиёсат, — дейди опа. — Ана шунда жамоада соғлом муҳит вужудга келади. Шунингдек, кадрларни тўғри танлай билиш ҳам муҳим.

Мазкур таълим муассасасида барча ишлар «Учинчи минг йилликнинг боласи» дастури асосида йўлга қўйилган. Болаларнинг баркамол тарбия топиши учун барча шароит муҳайё. Ота-оналар кенгаши билан ҳамкорликда иш олиб борилади.

— Баъзан айрим боғчаларнинг ошхоналарида болалар насибасининг «туя қилиниши» ҳақида эшитиб, ғазабланаман. Бу ҳолат бошқа боғчаларга ҳам доғ туширади, — дейди опа. — Бундай юлғич мудирларга нисбатан кескин чора кўриш лозим. Раҳбарликка тайинлашда ҳалоллик ва поклик ҳам асосий мезон бўлиши керак.

Лола опанинг Маҳмуд ака билан турмуш қурганларига ҳам 30 йилдан ошди. Меҳрибон она сифатида уч ўғил ва бир қизни оқ ювиб-оқ таради, ўқитди, камолга етказди. Бугунга келиб улар халқ хизматида. Шунингдек, Лола опа ҳанузгача қайнонасининг севимли келини сифатида доимо хизматга шай.

— Ишга отланишдан аввал албатта уларнинг дуоларини оламан, дуода гап кўп, — дейди опа. — Бахт деганлари шу бўлса керак.

«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, ақлли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» деган ҳикматни амалиётга жорий қилаётган Лола Узоқованинг байрамолди тилаклари янада эзгу: «Болаларга ёлғон сўзламайлик, адолатли бўлайлик, чунки улар ҳур ўлканинг эртанги эгаларидир».

Шавкат ТУРОПОВ. Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — O'K.U.F. — F.T.U.U. — ОЛИЙ БАХТ

Muassis: O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir: Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA,
Anvar YUNUSOV,
Davud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari),
Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib),
Ma`mura ADILOVA,
Mirzohid SODIQOV,
Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Oysuluv NAFASOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog`indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot — 256-87-73
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat — 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43
Reklama va e`lonlar — 256-03-90

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Nashr ko`rsatkichi: 133; 134

Navbatchi muharrir: G`. Yusupov
Navbatchi: A. Abdiyev
Musahhih: N.Yo`ldoshev

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchilar: H.Abdujalilov va Y.Mixaylovskiy

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h)- Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00. Топширилди - 03.00

Буюртма Г — 714

11364 nusxada bosildi

1 2 3 4 5 7 8